


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60610300- Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) бакалаврият
таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти”. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи.....	10

1. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқиштиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари; олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар; олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар; олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60610300 – Ахборот хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, давлат бошқарув органларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича комплекс масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишни ўз ичига олади.

1.2.2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– ахборот технологиялари соҳаларида таҳдидлар мавжуд бўлган вазиятда ахборотлаштириш объектлари, ахборот тизимлари, ахборот захиралари ва ахборот технологиялари хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар;

– ҳимояланаётган объектларнинг ахборот хавфсизлиги жараёнларини бошқариш;

– ахборот коммуникация технологияларининг хавфсизлигини бошқариш, муаллифлаштириш воситалари, процедура ва стандартлари;

– ахборот-коммуникация тизимлари ва тармоқлари хавфсизлиги, мобил тизимлари хавфсизлиги, автоматлаштирилган тизимларнинг ахборот хавфсизлиги, маълумотлар базаси хавфсизлиги;

– ахборот коммуникация тизимларининг ахборот хавфсизлиги тизимларини лойиҳалаш, хавфсизлик воситаларини созлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиладиган дастурий-аппарат воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш жараёни;

– ахборот хавфсизлигининг дастурий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари.

1.2.3. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.

- ишлаб чиқариш-созлаш;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот;
- консалтинг хизмати;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолият (касб таълими йўналишлари учун).

Йўналиш бўйича фан, техника, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларига кўшимча ўзгаришлар киритиш мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60610300 - Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ишлаб чиқариш-созлаш фаолиятида:

– ахборот хавфсизлиги соҳасига тегишли муаммоларни ўрганиш ва уларни ечиш чора тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллаш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

– корхона ва ташкилотлар учун ахборот хавфсизлиги тизимини лойиҳалаш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

– ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;

– ахборот хавфсизлиги соҳасидаги тегишли илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– ахборот-коммуникация тизимларининг ахборот хавфсизлиги воситалари, хавфсизлик қурилмалари, ахборотни узатиш ва сақлаш ҳамда қайта ишлаш тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашни режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятда:

– ахборот хавфсизлиги тизимини лойиҳалаш, автоматлаштирилган тизимлар воситалари хавфсизлиги, ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш ва эксплуатация қилиш жараёнини ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар мавзуси бўйича билимларни эгаллаш, ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ дастурий модулларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

– ахборот хавфсизлиги тизимини лойиҳалаш ва ахборот хавфсизлигини дастурий-аппарат воситаларнинг ҳужжатларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиш;

– амалиётда ахборот хавфсизлигининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий усуллари ва методологияларни, ахборотни ҳимоялашни инструментал воситаларини мос равишда қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларининг дастурий-аппарат воситалардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

– ахборот-коммуникация тизимлари хавфсизлигини қуруш ва жорий этишда иштирок этиш ва уларни махсус воситалар ёрдамида бошқариш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– ахборот хавфсизлигининг дастурий-аппарат таъминотини лойиҳалаш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган жараёнларининг сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлиги соҳасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиш борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– ахборот хавфсизлиги муҳандислиги ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;

– ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш гуруҳлари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– ахборот хавфсизлиги фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш ва назорат қилиш ҳамда натижаларни баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахборот хавфсизлиги соҳасига оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахборот хавфсизлигига оид экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

– ахборот хавфсизлиги соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида (касб таълими йўналишлари учун):

– ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши керак.

2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши;

– тегишли бакалаврият йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. Касбий компетенциялар:

– фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, компьютер технологиялари, информатика ва ахборот хавфсизлиги бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана олиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ахборот хавфсизлиги соҳасига тегишли муаммоларни ўрганиш ва уларни ечиш чора тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллаш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;
- корхона ва ташкилотлар учун ахборот хавфсизлиги тизимини лойиҳалаш ва амалиётга татбиқ қилиш;
- ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;
- ахборот хавфсизлиги соҳасидаги тегишли илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- ахборот-коммуникация тизимларининг ахборот хавфсизлиги воситалари, хавфсизлик қурилмалари, ахборотни узатиш ва сақлаш ҳамда қайта ишлаш тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашни режалаштириш ва амалга ошириш;
- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда “Ахборот хавфсизлиги, компьютер технологиялари ва информатика”га оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;
- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда ва мактабдан ташқари муассасаларда ишлаш;
- мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист, мутахассис ва бошқа лавозимларда ишлаш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар: ахборот хавфсизлиги, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув иши, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, ички назорат, якуний давлат назорати, симсиз тармоқлар, ахборот технологиялари, мобиль тизимлар.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети



Ректор в.б. _____ **Б.Махкамов**

202_ йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги хузуридаги Олий
таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни тадбиқ этиш
маркази**

**Ўзбекистон Республикаси ахборот
технологияларини ривожлантириш
вазирлиги
Таълим муассасалари фаолиятини
мувофиқлаштириш ва соҳа
кадрларини тайёрлаш, қайта
тайёрлаш бўлими**



Директор в.б. _____ **М.Эсонов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Бош мутахассис _____ **Х.Собиров**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

“Киберхавфсизлик маркази” ДУК

**“UNICON.UZ” – Фан-техника ва
маркетинг тадқиқотлари маркази
ДУК**

Директор

Уринбосари _____

_____ **Ш.Гафуров**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Директор _____

_____ **М.Махмудов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Кадрлар буюртмачилари

Кадрлар буюртмачилари